



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорликни молиялаштиришнинг аҳамияти: муаммолар ва ечимлар

Додиев Фозил Ўткурович

Тошкент Кимё халқаро университети

Ёзишмалар учун электрон почта: f.dodiyev@kiut.uz

Мақола ҳақида маълумот

Аннотация

Топширилган вақти: 26.11.2022

Қабул қилинган вақти: 29.12.2022

Таянч сўз ва иборалар:

камбағаллик, банк, ислом банки, микромолия ташкилоти, тадбиркорлик, молиялаштириш, имтиёзли кредит, музораба, қарзи ҳасан.

Ушбу мақолада камбағалликни қисқартиришда тадбиркорликни молиялаштиришнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш мақсадида тадбиркорликни молиялаштириш ҳолати таҳлил қилинган, мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни ечимлари кўрсатилган. Тадбиркорликни молиялаштиришда ислом молиясидан фойдаланишнинг заруриги асосланган.

The importance of enterprise financing in reducing poverty: problems and solutions

Dodiev Fozil Utkurovich

Kimyo International University in Tashkent

Corresponding author: email: f.dodiyev@kiut.uz

ARTICLE INFO

Abstract

Received: 26.11.2022

Accepted: 29.12.2022

Key words: poverty, banking, Islamic bank, micro-financial organization, business, financing, privileged loans, muzoraba, debt hassan.

This article highlights the importance of enterprise funding in reducing poverty. It also analyzed the status of business financing in order to reduce the poverty level in our country, identified existing problems, and provided solutions to them. Based on the necessity of using Islamic finance to finance entrepreneurship.

Кириш

Ҳозир жаҳонда глобал инқирозлар юз бераётган шароитда камбағалликни қисқартириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Чунки COVID-19 пандемияси даврида давлатлар ўртасида, ҳаттоки, мамлакатлар ичида иқтисодий алоқалар бузилди. Халқаро ва миллий иқтисодиётларда қўшилган қиймат ҳосил қилиш занжири узилди. Карантин сабабли кўпчилик корхоналар, айниқса, транспорт ва туризм соҳасидаги бизнес субъектлари, меҳмонхоналар, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари чакана савдоси, умумий

овқатланиш корхоналари ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини тўхтатди. Дунёда ишсизлик даражаси ошди, аҳоли даромадлари тушиб кетди ва камбағал одамлар сони кўпайди.

Пандемия бошланаётган даврда "Халқаро меҳнат ташкилотининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, бутун дунё бўйлаб 25 миллион киши ўз ишини йўқотиши мумкин ва ишчиларнинг даромадлари камида 3,4 триллион долларга камаяди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кескин (чоралар) изоляция туфайли 150 минг фуқаро мажбуран ишсиз қолди, чет элдан қайтган 140

мингдан ортиқ фуқароларимиз доимий даромадларидан маҳрум бўлди, 200 мингдан ортиқ оила қашшоқлик ёқасида” (1) қолган.

Мамлакатимизда камбағаллик ва унинг даражаси Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга

Мурожаатномасида биринчи марта расман қайд этилиди: “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолиимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда” (2).

Россия билан Украина ўртасидаги мажаро эса дунё иқтисодиётини COVID-19 пандемияси салбий оқибатларини тиклашга, жаҳон иқтисодиётини барқарор ривожланиши ва камбағалликни қисқартиришга салбий таъсир қилди. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрига кўра, камбағал аҳолига энг жиддий таъсир кўрсатган пандемия туфайли бандликни беқарорлаштириш ва даромадларни йўқотишдан ташқари, Россиянинг Украинадаги уруши ва яшаш харажатлари инқирози Кавказ ва Марказий Осиёда қашшоқликни камайтириш жараёнини секинлаштириши мумкин (3).

Ҳозирги бундай шароитда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш учун тадбиркорликни ривожлантириш лозим. Шундагина аҳоли иш билан бандлик даражаси ошади, даромадлари кўпаяди ва давлат ижтимоий кўмакларга муҳтож бўлмайди. Аммо кўпчилик тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганда молиявий маблағлар етишмовчилиги, ушбу тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш муаммосига дуч келади. Бу эса, тадбиркорларни замонавий усуллар билан молиялаштиришни жорий этиш тақоза этади.

Адабиётлар шарҳи

Мамлакатимизда аҳоли камбағаллигини қисқатириш учун, аввало, тадбиркорликни ривожлантириш лозим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир” (2).

Жаҳон банки вице-президенти Анна Бьерде 2030 йилга бориб камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартириш ва даромад даражаси ўртачадан юқори давлатлар қаторига кириш учун Ўзбекистонга янада кўпроқ сифатли иш ўринлари керак. Мазкур вазифани ҳал қилиш учун тўрт муҳим инструментдан бири хусусий секторнинг ўсишини рағбатлантириш ҳисобланади (4). Демак, мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча ресурслар сингари молиявий ресурсларга эга бўлишни ҳам енгиллаштириш лозим экан. Бу мамлакатимизда тадбиркорларни молиялаштириш

тизимини такомиллаштириб, уларни самарали равишда молиявий қўллаб-қувватлашни зарурат қилади.

Нобель мукофотининг соҳиби М.Юнус ва машҳур иқтисодчи Алан Жолнинг фикрларига кўра, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлишади (5). Шунинг учун молия муассасалари иш бошлаётган тадбиркорларни имтиёзли равишда молиялаштирсалар, улар оёққа тургандан сўнг мазкур молия муассасасининг бозор ставкаларида кредит оладиган mijozига айланади.

Россиялик Олим Р.И.Беккин “Исломий банклар актив амалиётида қарзи ҳасан иқтисодий вазифага нисбатан кўпроқ ғоявий вазифани бажаради. Эҳтиёжмандларга фойизсиз кредит берилиши жамиятда фаровонликнинг ошишига, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг қисқаришига, охир оқибат, аҳоли орасида исломий банкларга нисбатан ишонч ортишига олиб келади” дейди (6). Фикримизча, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш мақсадида ислом молиясининг муҳим воситаси бўлган қарзи ҳасанни жорий қилиш лозим.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда хусусий тадбиркорликни замонавий усуллар билан молиялаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини даромадларини ошириб камбағалликни қисқартириш ҳолати тадқиқ қилинган. Бунда тадқиқотни амалга оширишнинг таҳлил ва синтез, умумлаштириш, абстракт-мантиқий ва танқидий фикрлаш, эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг услубий асоси бўлиб Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси экспертлари, хорижий ва миллий олимларнинг илмий изланишлари ҳисобланади. Шунингдек, таҳлилда Жаҳон банки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Жаҳон иқтисодиётида камбағалликни қисқартириш қийин бўлиб қолмоқда. Жаҳон банкнинг янги тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, 1990 йилдан бери қашшоқликни камайтириш бўйича глобал сайёи-ҳаракатларнинг энг катта муваффақиятсизлигига COVID-19 сабаб бўлди ва Украинадаги уруш эса вазиятни ёмонлаштириш билан таҳдид қилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, пандемия туфайли 70 миллионга яқин одам 2020 йилда ўта қашшоқликга дучор бўлди, бу 1990 йилда қашшоқлик мониторинги бошланганидан бери бир йил ичида энг катта ўсишдир. 2020 йил охирига келиб кунига 2,15

доллардан кам бўлганлар сони 719 миллион кишини ташкил етди. 2030 йилга келиб, деярли 600 миллион киши кунига 2,15 доллардан кам яшашга мажбур бўлади (7).

Жаҳон миқёсида камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллат Ташкилотининг Глобал кун тартибининг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларини биринчиси қашшоқликни тугатиш ҳисобланади. Бунинг учун ривожланаётган, айниқса, энг кам ривожланган мамлакатларда камбағал ва заиф аҳолининг иқтисодий ресурсларга тенг ҳуқуқларга эга бўлишини, шунингдек, ерга эгалик қилиш ва тасарруф этиш, табиий ресурслар,

янги технологиялар ва молиявий хизматлардан, жумладан, микромолиялашдан фойдаланишини таъминлашга чақирилган.

“Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси”да аҳолининг камбағаллик даражасини 2021 йилги 17 фоиздан 2030 йилга бориб 5 фоизга қисқартириш белгиланган (8). Мамлакатимизда ушбу белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида давлат ижтимоий дастурлари амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш мақсадида уларга давлат маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилган

1-жадвал

Кичик тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган кредитлар¹

млрд.сўм			
Асосий йўналишлар	2020йил	2021йил	2022 йил 9 ой
Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар, жами	48 389,7	59 552,1	56 144,5
<i>шу жумладан:</i>			
Ажратилган микрокредитлар	10 194,3	15 092,4	11 047,0
Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида	6 078,5	8 566,3	7 216,5
<i>шундан:</i> Аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун	3 602,1	6 830,0	6 507,8
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга	5 959,8	18 176,6	9 592,6
Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга	4 895,9	7 756,8	7 929,9
Хорижий кредит линиялари ҳисобидан (млн. АҚШ доллари)	2 139,0	7 929,9	1 178,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган даврда тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми ошиб бормоқда. Ушбу кредитлар имтиёзли фоиз ставкада (14%) давлат ресурслари ҳисобидан берилган.

Марказий банк имтиёзли кредитлаш амалиётининг макроиқтисодий самарадорлиги пастлиги ва ушбу амалиёт самарали пул-кредит сиёсати учун жиддий муаммолардан бири эканлигини қайд этди (9).

Мамлакатимиз Президентнинг 2019 йил 18 ноябрдаги фармони билан барча имтиёзли кредитлар 2020 йил 1 январдан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган фоиз ставкаларида, 2021 йил 1 январдан бошлаб эса зарур ҳолларда, фоиз харажатларининг маълум бир қисмини компенсация қилиш механизмларини жорий этиш орқали бозор ставкаларида ажратилиши белгиланганди (10).

2019 йилдан бошлаб имтиёзли кредитларни бозор фоизларига яқинлаштириш учун ставкалари кўтарила бошланди, бироқ Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси ўсиши билан ўртадаги фарқ яна ошди. Марказий банк раисининг таъкидлашича, мамлакатимизда имтиёзли кредитлаш сиёсатини 2021 йилдан бекор қилиш коронавирус пандемияси туфайли кейинга суришга тўғри келган. Унинг сўзларига кўра, ўтган йили имтиёзли шартларда

кредитларнинг 24,6 фоизи берилган ва бу 2018 йилга нисбатан 2 баробар камдир. Шу билан бирга, имтиёзли кредит портфели таркибида муаммоли кредитларнинг улуши юқори даражада қолмоқда (9).

Ўзбекистон Марказий банки ҳукуматдан имтиёзли ва директив кредитлар ҳажмини камайтиришни ва банкларга бозор шароитида ишлашга рухсат беришни сўраган. Шу билан бирга, регулятор раҳбарига кўра, имтиёзли кредитлашни тўхтатишга иқтисодий ва геосиёсий вазият йўл бермаяпти. Унинг таъкидлашича, ҳозир бутун дунёда камбағаллик даражаси ошиб бораётган шароитда имтиёзли кредитларни тўхтатиб қўйиб, кичик бўлса ҳам тадбиркорлик билан шуғулланаман деган фуқароларимизга қийинчилик яратиб қўйишимиз эҳтимоли юқори (11).

Аммо иқтисодчи Беҳзод Ҳошимов давлат аралашиб имтиёзли кредит бериш бу – маблағларни самарасиз тарқатиш билан бирга, ўша инсонларни билмаган ҳолда, баъзан хоҳламаган ҳолда жуда чуқур молиявий ўра ичига тушириб қўяди. Шунинг учун, ўйлайманки, кредит ва қарз пулларини тарқатишда давлат институтлари, айниқса, давлат ҳокимияти институтлари аралашмаслиги мақсадга мувофиқ. Шунда молиявий бозорда ресурслар тўғри тақсимланади (12).

Иқтисодчи Миркомил Холбоев, биринчидан, имтиёзли кредитлар, бошқа кредитларнинг фоиз

¹ : Марказий банкнинг Статистик бюллетенлари. <https://cbu.uz/uz/statistics/buletan>

ставкасига таъсир қилади. Яъни бошқа кредитларнинг фоиз ставкасини оширади (ёки пасайишига тўсқинлик қилади). Иккинчидан, имтиёзли кредитлар, инфляцияга таъсир қилади, ёки инфляциянинг ошишига ёки унинг секинроқ пасайишига сабаб бўлади. Юқори инфляция эса асосан камбағал аҳоли қатламининг фаровонлигига салбий таъсир қилади. Бошқача айтганда, биз аҳолини камбағалликдан чиқариш учун қабул қилаётган қароримиз аслида камбағалларни кўпроқ қийнайди (13).

Демак, мамлакатимизда тадбиркорликни молиялаштиришда имтиёзли кредитлар беришни имкон даражада қисқартириб, бозор томоийлларига асосан кредит бериш ҳажмини ошириш лозим. Буни учун имтиёзли кредит бериш бўйича давлат дастурларини таҳлил қилиб, улардан самаралисини қолдириш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, энди тадбиркорликни бошлаётганлар анъанавий молия муассасаларидан кредит олишда бир қатор муаммога дуч келишади. Хусусан, уларнинг кредит олиш учун таъминоти мавжуд эмас ёки етишмайди, банкларда фоиз ставкалари юқори, имтиёзли кредитлар ҳажми ҳамма тадбиркорларга ҳам етишмайди, кредит олиш жараёни соддалаштирилганига қарамасдан нисбатан мураккаброқ ва шунга ўхшаш муаммолар мавжуд.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш мақсадида аҳолини тадбиркорлигини ривожлантириш учун ислом молиясидан фойдаланиш лозим. Чунки ушбу молиялаштириш тизими ҳалқимизнинг миллий хусусиятлари, анъаналари, урф-одатлари ва диний эътиқодларига монандир. Шунингдек, ислом молияси ўзининг чидамли ва барқарор бўлиб, буни 2008 йилги жаҳон молиявий инқирози даврида ҳам активлари ҳажми ошган ҳолда яна бир исботлади. Бунга сабаб ислом молияси реал активлар билан боғланганлиги, ноаниқ ва таваккалчилиги юқори бўлган лойиҳалар, қимор, спекуляция ва бошқа шариатга тўғри келмайдиган фаолиятларни молиялаштирмаслиги бўлган.

Ислом банклари тадбиркорларни молиялаштиришда ўзини бизнес бўйича ҳамкордек тутати ва ҳамкорликнинг турига қараб хавфларни бўлишади. Барчага маълумки, агар икки томон хатар ва йўқотишларни ўзаро бўлишса, улар молиявий амалиётларда эҳтиёткорлик билан иш тутадилар. Шу тариқа, ислом молияси адолатлироқ, молиявий барқарор ҳамкорлик муҳити яратилишини таъминлайди.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришда дастлаб ислом молиясининг музораба ва қарзи ҳасан воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Музорабада маблағи билан инвестор (Раббул мол) ҳамда инвесторнинг капиталини бошқариш учун ўз билим ва тажрибаси билан (музориб) тадбиркор ҳамкорлик қилади. Инвестор бизнесни юритиш жараёнига жалб этилмайди ва келишилган муддат якунида тадбиркор инвесторга асосий киритилган капитал миқдори ва унинг фойдадаги улушини қайтариши лозим.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда исломий

тамоийиллар асосида микромолия ташкилотлари ташкил этиб, улар орқали музорабани жорий қилиш мумкин. Чунки Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунинг 4-моддасига кўра микромолия ташкилотлари исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга ҳақли (14).

Фикримизча, мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришда ислом молиясининг қарзи ҳасан воситасидан ҳам фаол фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ислом молиясининг ушбу воситаси ишсиз, камбағал ва молиявий имконияти чегараланган одамларни тадбиркорлик билан шуғулланишларини қулай молиялаштириш усули ҳисобланади. Қарзи ҳасанда қарз берувчи қарздордан қарзидан ортиғини талаб қилмайди.

Қарзи ҳасанни берувчи ҳар қандай субъект, у ислом банки, исломий микромолия ташкилоти ёки шариат ҳукмига мос жамғарма бўлсин, ундан даромадни кўзламайди. Муфассирлар қарзи ҳасаннинг мукофоти жаннат, дейишган (15).

Мамлакатимизда ҳозирча ҳуқуқий-меъёрий яратилмагани сабабли ислом банклари фаолият кўрсатмайди, демак, улар орқали қарзи ҳасанни жорий қилиб бўлмайди. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, исломий микромолия ташкилотлари ташкил этиб, уларда қарзи ҳасан беришни йўлга қўйиш мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда Вақф жамғармаси ташкил этилган бўлиб, унинг маблағларидан қарзи ҳасан бериш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда тадбиркорликни молиялаштиришда имтиёзли кредитлар беришни қисқартириб, уларга бозор томоийлларига асосан кредит беришни ривожлантириш лозим. Имтиёзли кредит бериш бўйича давлат дастурларини таҳлил қилиб, улардан самаралисини қолдириш лозим.

Республикаимизда камбағалликни қисқартириш мақсадида аҳолини тадбиркорлигини ривожлантириш учун ислом молиясидан фойдаланиш лозим. Дастлаб ислом молиясининг музораба ва қарзи ҳасан воситаларини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг мурожаати. Ўзбек текстил маҳсулотидан бойкотни олиб ташлаш бўйича очиқ мурожаат. <https://mehnat.uz/index.php/uz/news/uzbek-tekstil-mahsulotidan-boykotni-olib-tashlash-buyich-a-ochiq-murozhaat>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>
3. Башар Хлайхель, Трой Матесон и Сахра Сакха. Война России в Украине может привести к росту бедности на Кавказе и в Центральной Азии.

- <https://www.imf.org/ru/News/Articles/2022/11/29/cf-russias-war-in-ukraine-could-raise-poverty-in-caucasus-and-central-asia>
4. Ўзбекистон смोजет снизит бедность вдвое, создав больше новых качественных рабочих мест. <https://www.vseмирnyjbank.org/ru/news/opinion/2021/09/27/uzbekistan-can-halve-poverty-by-creating-more-and-better-jobs>
 5. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.
 6. Ислом иқтисодий модели ва замон/Р.И.Беккин.– Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.–144-бет.
 7. Глобальный прогресс в сокращении крайней бедности останавливается. <https://www.vseмирnyjbank.org/ru/news/press-release/2022/10/05/global-progress-in-reducing-extreme-poverty-grinds-to-a-halt>
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги” 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/6130265>.
 9. «Имтиёзли кредитлар — самарали пул-кредит сиёсати учун жиддий муаммо» — МБ. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/05/16/soft-loans/>
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисидаги” 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4600824>.
 11. Нурмуродов ва Қўчқоров имтиёзли кредитларни тўхтатиш кераклигини айтди. Аниқ режалар эса йўқ. <https://kun.uz/news/2022/07/27/nurmurodov-va-qochqorov-imiyoqli-kreditlarni-toxtatish-kerakligini-aytdi-aniq-rejalar-esa-yoq>
 12. Камбағалликка қарши кураш: нима тўғри, нима нотўғри бўляпти? — Беҳзод Ҳошимов билан суҳбат. <https://kun.uz/news/2022/06/03/kambagallikka-qarshi-kurash-hukumat-qayerda-xato-qilyapti-behzod-hoshimov-bilan-suhbat>.
 13. Имтиёзли кредитлар ҳақида. <https://t.me/Mirkonomika/1427>
 14. Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2022 йил 20 апрель, ЎРҚ-765-сон. <https://lex.uz/uz/docs/5972411>.
- Қарзи ҳасан. <https://islommoliyasi.uz/uz/qarzi-hasan/>